



**Раъно САЙФУЛЛАЕВА**

филология фанлари доктори, профессор

## **БИР ТИЛЛИЛИК (МОНОЛИНГВИЗМ) ТАЪСИРИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР**

Бу иш фанлараро – психология, биология ва эволюция фанлари, хусусан, филологияда синтаксис соҳаси, биологияда боланинг ўсаётган мияси микробиологияси соҳаси, психологияда инсон тафаккурининг интеллектуал ривожланиши ва болаларнинг гўдаклигидан тарбияси ва таълими соҳалари фактлари асосида олинган илмий тадқиқотлар натижасидир. Маколада хар кандай тил синтаксиси структураси содда ёки мураккаблигининг бола тафаккур қилиши интеллектуал ривожланишига таъсири кўриб чиқилган.

Данная работа является результатом наших междисциплинарных научных исследований и относится к стыку сразу нескольких областей познания о человеке и обществе, а именно: филологии и психологии, биологии и эволюции, а точнее в области филологии – к разделу синтаксиса любого разговорного языка, в области биологии – к разделу микробиологии растущего головного мозга ребёнка, в области психологии – к разделам интеллектуального развития мышления человека, а также и воспитания и образования ребёнка с ранних лет, и в области эволюции – к разделу генезиса членораздельной речи и истокам происхождения разговорных языков. В статье рассматривается вопрос о воздействии синтаксической структуры языка на интеллектуальное мышление детей.

This article is the result of the research done on the basis of interdisciplinary subjects including psychology, biology and evolution, namely syntax in philology, child's growing brain in microbiology, and intellectual development of human being's thinking in psychology. The article considers the influence of any language syntax structure, whether it is simple or complex, on child's intellectual development, thinking.

**Калит сўзлар:** илмий кашфиёт, филология, лингвистика, психолингвистика, она тили, миллат, монолингв ва билингвлар, интеллект ва қобилият.

**Ключевые слова:** научное открытие, филология, лингвистика, психолингвистика, родной язык, нации и национальности, монолингвы и билингвы, интеллект и способности.

**Key Words:** scientific discovery, Philology, linguistics, psycholinguistics, language, nation and nationality, monolingual and bilingual, intelligence and ability.

Мамлакатимиз халқи учун Президентимизнинг “Ўз тарихи ва аждодларини сийлаган халқнинг келажаги, албатта, порлоқ бўлади” деган фикрлари дастурамал бўлиб хизмат қилиши табиийдир. Президентимиз раҳбарлигида халқимиз сара вакиллари – давлат ходимлари, олимлар, мураббийлар авлодларимиз келажагини янада порлоқ бўлиши учун мамлакатимиз ва жаҳон миқёсида турли ниҳоятда аҳамиятли ҳамда қадрли тадбирлар ўтказишмоқда. Кучли тараққиёт ва янги юқори даражадаги технологиялар асри бўлган бу даврга мос равищда кетма-кет чора-тадбирларга халқимиз дикқати тортилиб, амалга оширилмоқда. Шулардан бири “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Қарор ва амалга оширилаётган ишлардир. Ушбу қарорнинг 1-бандида республиканинг худудларида чет тилларни, асосан, инглиз тилини ўрганиш умутаълим мактабларининг биринчи синфларидан бошланиши қайд этилган. Шу қарорнинг ниҳоятда тўғрилиги ўтган аср ўрталаридан бошлаб чет тилини ўрганиш зарурати айрим ўзбек олимларининг ўтказган тажрибаларида акс этган, аммо буларни ўша давр – собиқ иттифоқ даврида маълум сабабларга биноан чоп этиш ёки эълон қилиш мумкин эмаслиги ҳаммага аён. Қуйида шу тажрибаларни ўтказган ва халқимиз интеллектуал ривожи юқори даражада эканлигини исботлаган филолог олимлар Р. Сайфуллаев ва Ф. Убаеванинг ушбу йўналишдаги илмий тажрибаларидан айримларини келтирамиз.



N-т, 2014

Олимлар ўтказган тажрибалар моҳияти қуйидагилардан иборат: ёши ва синфини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир ўқувчига, даставвал, унинг она тилига таржима қилинган анча оддий содда гаплар ва мантиқий вазифалар берилдиб, одатда, улар бир неча вариант ва 3-5 турли типли эди. Топшириқлар мазмуни билан танишишгач, ўқувчиларга булар ҳақида ўз фикрларини билдириш таклиф этилар

Ўзбекистонда хорижий тиллар

ва уларнинг ҳамда буларнинг ечими учун дарсдан ташқари бир соат бериларди. Жавоблар олингач, уларга шу типдаги вазифалар берилиб, булар фақат олдиндагилардан фарқли равишда болалигидан она тилидек яхши билган хорижий тилда бўларди.

1-тип топшириклар бир неча варианtlардан иборат бўлиб, улардан ҳеч бўлмаса, биттаси ҳақида тасдиқ ёки инкор жавобини бериш зарур. Бу содда гап-вазифалар қўйидаги шаклларда эди, масалан, “Бу тўртбурчак стол айланана ва у тўғри бурчакда зич жойлашади”. Бунда мантиқ ва грамматиканинг тўқнашуви мавжуд, аммо жаҳон сўзлашув тилларининг ҳаммасида ҳам бу зидлик йўқ.

Шу типли вазифалардан бири қўйидагича бўлиши мумкин эди, масалан, “Қуёш эрталаб чиқади, кечқурун ботади”. Бу каби гапларда грамматик қоидаларга риоя қилинган, аммо табиат қонунлари ва реал борлиқ мантиқи бузилган, чунки куёш ҳеч қачон чиқмайди ва ботмайди, у ер атрофида эмас, балки ер унинг ва ўз ўқи атрофида айланади. Шу каби гапларнинг учинчи варианти турли ёшдаги болалар учун инсон нутқи ва турли тиллардаги матнларни тушуниш масаласига оид оғзаки ва ёзма текстлардан иборат эди. Дастлаб, муаллифлар икки-уч ҳар хил тилларни билувчилар орқали бир хил нутқ ва матнларни тушунишни тадқиқ қилиш орқали муаммо моҳиятини тушуниш тасаввурига эга бўлишди. Рус тилшуноси ва психолог Л.С. Выготский бир хил нутқ ҳамда матнларни тўғри тушунишни таҳлил қилиш ҳақидаги машҳур тезиси муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, Л.С. Цветкованинг “Мозг и интеллект” номли монографиясида инсон ақлий меҳнати-хоҳлаган бола ва ҳар бир ёши катта кишининг матн устида ишлаши барча вазифаларга қўйилган талабларни қўллаб-қувватлаган ҳолда муаллифлар ўз психологик тажриба ва лингвистик экспериментларини ўтказишида юқорида тилга олинган турли усул, йўл ва методлар берилган ҳамда буларнинг айримларидан муаллифлар ўз тажрибаларида фойдаланишган.

Шу топшириқнинг яна бир типи қўйидаги вариантга ҳам эга бўлиши мумкин: Бир шоҳ вазирларининг қайси бирига ишониш мумкинлиги ва садоқатли эканлигини билиб, унга бойлигининг ярми ҳамда мукофотлар беришини айтиб, савол беради: “Айтинглар-чи, ким мени ҳозир алдайди?” Ҳарбий вазир жавоби: “Шоҳим! Сизни маҳфий ишлар вазири алдайди. Унга ишонманг, алдаши шубҳасиз!” Маҳфий ишлар вазири шоҳнинг қулоғига: “Олий ҳазратлари! Адлия вазири алдайди”, – деди. Ва адлия вазирининг жавоби: “Ҳеч кимга ишонманг, ҳарбий вазир ёлғон гапиряпти ва бу тулки маҳфий ишлар вазири ҳам ёлғончи!” Вазирлар шоҳга қийин масалани беришди. Кимга подшоликнинг ярми тегишини билиш керак.

Вазифаларнинг кейинги типи мантиқий гаплардан тузилган бўлиб, уларнинг жавобларини айтиш керак эди. Бу вазифалардан айрим намуналар келтирилади, чунки уларнинг ҳаммасини беришни мақола хажми қўтартмайди. 6–8 ва 9–10-синф ўқувчилари айрим гурухлари биринчи вариант жавобларини билишарди ва унинг мантиқий ечимини тўғри кузатишлари лозим бўлиб, иккинчи вариантни эса, мустақил тарзда ечишлари керак эди. Табиий, бу каби топшириқлар бошқа турлилари берилар ва уларнинг ечими ҳам бу болаларнинг ирқи ва миллати, маданияти ва менталитетига эмас, фақат уларнинг ақли, мантиқи ва интеллектига боғлиқ. Бу тажрибалар турли миллат болалари билан ўтказилган ва улар гўдаклигидан фақат ўз она тили-рус ёки инглиз, немис ёки ўзбек, эстон ёки араб каби тилларини билишган, яъни улар улғайганда-монолингвистлар бўлишган. Муаллифлар 1991йилда бошлаган ва Ньютон ҳамда Дарвинлар инглиззабон ва гўдаклигидан инглиз тили ёки Ломоносов ва Менделеевлар русийзабон олимлар бўлмай, суст мантиқийлик ва структураси содда синтаксисга эга бирор бир тил вакиллари бўлсалар эди, бундай интеллектуал-ижодий натижаларга эриша олмасликларини исботлашди. Шунинг учун ҳам, муаллифларнинг фикрича, дунёга машҳур бўлган дурдоналар-олдинги давр ва ҳозирда ҳам мантиқийлиги юқори ва структураси мураккаб бўлган синтаксисга эга бўлган тиллар, хусусан, араб ёки форс, немис, инглиз ёки рус ва бошқа тилларда яратилган.

Бир хил шароитларда яшаб, бир хил монолингвистик мухитда тарбияланган ва она тили тузилиши мураккаб бўлган синтаксисга эга бўлган монолингв(фақат бир тилда гаплашадиган инсон) боланинг ақлий ривожланиши ҳамда ёши улғайган сари интеллектуал жиҳатдан ўсиши она тили содда тузилишли синтаксисга эга бўлган бола ва шахсларнинг ақлий ривожланиши ва интеллектуал ривожланишидан анча устун бўлишини муаллифлар олган факт ва тажрибалари натижалари асосида исботлаганлар. Бу фактларда хоҳлаган сўзлашув тили синтаксиси ички мантиқий структурасининг ҳали ўсаётган бола бош мияси ривожланишига таъсири унинг миллий тилининг шаклланишидаги ижтимоий-тариҳий жараёнда ишлаб чиқилган ва ўз тили нисбий мантиқий табиатига мос бўлган боғлиқлигига кўриниши асосланган. Бу ўринда ҳар бир сўзлашув тили синтактик тузилишининг содда ёки мураккаблиги чақалоқнинг туғилиши билан миясида шаклланадиган ва тафаккурининг мантиқийлиги учун жавоб берадиган нейрон-синаптик ўзаро боғланишларга таъсир қиласи.

Бу каби лингвистик ва психологияк тажрибаларни ўтказишга немис тилшуноси В. Гумбольдтнинг лингвистик нисбийлик ҳақидаги қараш ва ғоялари ундади. Олим ва унинг издошлари Э. Сепир ва Б. Уорфларнинг

фикрича, ҳар ҳил тилларда гаплашувчи кўпчилик одамлар дунёни турлича кўришлари керак ва, демак, ҳар бир тилнинг ўзига хос тафаккур мантиғи мавжуд. В. Гумбольдт таъкидлаганидек, ҳар бир тил – бу ҳалқ ва уни ўраб олган объектив олам ўртасида ўзига хос ўтадиган бир дунёдир.

Юқорида синтаксис структурасининг содда ва мураккаблиги ҳақида айрим фикрларни баён этдик, аммо “синтаксис” термини, унинг моҳияти ва категориялари, тушунчалари ҳақида тўхташни лозим топмадик, чунки шу соҳа мутахассислари ҳамда қизиқувчилар улар билан танишлиги табиий. Замонавий синтаксиснинг ютуқларидан бири – анъанавий тилшуносликнинг кейинги эволюцион босқичи структур-семантиқ йўналишдир. Бу йўналиш синтактик назариянинг энг яхши анъаналарини авайлаб-асраб келмоқда ва янги-янги ғоялар билан тўлдирмоқда. Структур-семантиқ йўналишнинг асосий принципларидан бири тил тузилишининг системавийлигидир. Тил ўзаро боғлиқ ва ўзаро муносабатларда бўлиб, бирбутун системани ташкил қиласиди ва ундан ҳамда реал борлиғимиздан, яъни табиат ва жамият мантиқий боғланишидан бирор ҳодиса тушиб қолиши ёки чиқиб кетиши мумкин эмас. Шунингдек, замонавий синтаксиснинг муҳим ва аҳамиятли томони – мантиқийлиги билан боғлиқ бўлган синтактик бирликлар ва бошқа бирликларга қўпаспектли ҳодиса сифатида ёндашишдир. Мана шу аспектлардан бири – тилнинг мулоқот воситаси бўлишини тадқиқ этувчи аспект ва у гапда актуал бўлинишда намоён бўлади. Тилнинг ҳамма аспектлари ўзаро ва бир-бири билан боғлиқ ва жамланган ҳамда моҳияттан улар ҳар бир сўзлашув тили мантиқийлиги даражасини аниқлайди. Аммо айрим синтаксис структураси шунчалик содда бўладики, буларда гаплашишга ўрганган боланинг онгига сингган нюанслар бўлади. Шунинг учун бу кейинчалик бундай бола ўз фаолиятида қанчалик ҳаракат қилмасин, бирор асар ёки маъruzаларни она тилида ҳам ўқий олмайди. Водород бомбаси ёки континентлараро баллистик ракеталар каби уникал илмий-техник объектларни яратиш мумкинлигини инглиз ва русийзабон тиллар вакилларидан бошқа тиллар вакиллари билмайдилар. Бу эса моддий манбаларнинг етарли эмаслиги билан эмас, балки турли миллий тил вакиллари – олим, техник ва конструкторларнинг интеллекти сифати билан боғлиқлигини қайд этиш зарур. Мана шу каби аниқ фактлар айрим олимларнинг дунё тилларининг тўлиқ тенглиги ҳақидаги мунозаралари масаласини ечишга ёрдам бермаслигини тушунишлари зарур.

Олимларнинг кўпчилиги гапда ўз ифодасини топадиган ҳар бир инсон фикрининг икки аъзолигини қайд этишади, чунки ҳар бир гапда фикр – нутқнинг предмети ва у ҳақдаги фикр ҳам мавжуд. Замонавий лингвистикада мантиқнинг субъект, предикат ва бошқа тушунчаларидан кенг фойдаланганини

кўрамиз. Аммо улардан бирортаси инсон фикри шаклларини ўргана туриб хоҳлаган ва ҳар бир фикр мантиқий реалликка мос равишида тузилиши зарурлигини эслатмайди. Акс ҳолда, бошқа ҳамма ҳолатларда фикр реал бўлмаган нарсаларга мос бўлади, шунингдек, гапларда ҳам, масалан, “пароход сув остида сузади”, “лодка ҳавода учади”, “чумоли ҳамиша филдан катта”, “тўртбурчак стол ҳамиша айлана бўлади” ёки “қуёш ботади ва чиқади” ва бошқалар . Мантиқ, энг аввал, сўзлашув тили мантиғи тарихан ҳамиша ва мунтазам равишида ҳаёт мантиқига мувофиқ бўлади. Шу билан бирга турли тилларда шу мувофиқликнинг ўлчови ҳар хил бўлади. Ривожланган тилларда у аниқ ва изчилик билан ифодаланади. Муайн бир тил синтаксиси тил ва, демак, интеллектуал-мантиқий ривожланишида муҳим мавқега эга. В.фон Гумбольдт давридан бошлаб ҳозиргача ақлий-интеллектуал ривожланиши ва маънавий етуклигига етишишда у ёки бу тилнинг таъсири, лингвистик нисбийлик ҳақида олимлар ўртасида мунозаралар бўлиб келмоқда ҳамда турли миллат болалари характери ва менталитети шаклланишига тилларнинг турли таъсири мавжудлиги ҳақида ҳар хил фикрлар илгари сурилган эди. Аммо олимлардан бирорталари, хусусан, файласуфлар, психолог ва лингвистлар бирор марта сўзлашув тиллар синтаксиси структураси тараққиёти, яъни содда ёки мураккаблиги даражасининг ҳар хиллиги кейинчалик инсонларнинг маънавий сифатлари ва ақлий-мантиқий қобилияtlарига таъсир қилиши ҳақида фикр билдиришмаган ёки бу масалани таҳлил қилиш мақсадида бирор-бир тадқиқот ёки тажрибалар ҳам ўтказишмаган.

Муаллифлар ўтказган тажрибаларнинг амалий аҳамияти ҳақида қуйидаги фикрни қайд этадилар: олим ва ота-оналарнинг кўпчилиги болаларини балоғатга етмасдан ёшлигидан ўз она тили билан биргаликда бирор чет тилига ўргатишлари зарур. Бир пайтнинг ўзида она тили ва чет тилни ўргана бошлаган гўдак “бир тилли” болаларга нисбатан ўз ақлий-мантиқий-интеллектуал ривожланиши учун ақлий-потенциал имкониятларга эга бўлади, чунки ҳамма болалар тафаккур қилиши ва интеллекти мантиғи учун жавоб берадиган бош мия марказлари она тили ёки чет тил синтаксиси структураси таъсирида шаклланади ва ривожланади. Ва факат туғилганининг илк давридан бошлаб максимум 6–7 ёшгача бу таъсир мавжуд бўлиб, кейинчалик хоҳлаган чет тилини ўрганиши мумкин, аммо бу ҳолда унинг тафаккури ва интеллекти мантиғи ривожланмай, фақатгина хотираси ривожланади, чунки бу даврга келиб келажакдаги унинг бу қобилияти учун жавоб берувчи нейрон алоқаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тўхтайди.

Олимлар “Ф. С. Убаеванинг монолингвистик эфекти” деб номлаган бу кашфиётларининг қуйидаги формуласини тақдим этганлар: тилларидан қайси

бири эканлигига қарамай, она тилида сўзлашишга ўрганган инсон “Инсон зурриёти ақлий-мантиқий ва маънавий ривожланишининг тўхташи ва хоҳлаган ёши катта одам тафаккури интеллектуал-мантиқий ривожланиши унинг келиб чиқиши, миллати ёки ирқидан қатъий назар, орқада қолиши табиий, чунки ҳар бир одам болалигидан бошлаб етук ва мактабгача бўлган ёшида рус, немис ёки форс, араб сўзлашув тиллари каби ривожланган ва мантиқан мураккаб синтаксис структураси билан ажralиб турган жаҳон тилларидан фарқли равишда она тили синтаксиси структурасининг содда бўлиб, бир хил шартшароит, фақат бир ўз она тили монолингвистик муҳитида тил ўрганган ва келажакда ўзининг умумий улуғланиши ва жинсий етукликка етганида, одатда, ҳамиша ўз ақлий ва маънавий ривожланишида орқада қолади ҳамда ақлий жиҳатдан нисбатан ривожланмаган бола бўлиб етишади, кейичалик эса, гўдаклигидан у билан бир хил шароитда ва бир хил монолингвистик тил сифатида ва амалиётда ўз етуклигига қараб ўз фикрлари у каби биргина миллий тил – синтаксис структураси мураккаброқ бўлган, жаҳон сифатида етишади ва бунда сўзлашув тилларининг ҳозиргacha аниқланмаган хусусияти, аникрофи, монолингвистик Эффект сифатида синтаксис структурасининг инсон ақлий-мантиқий, маънавий ривожланишида муҳим мавқега эгалиги назарий аниқланган ва тажрибада исботланган.”

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Выготский Л.С. Мышление и речь. – М., 1996; Развитие высших психических функций. – М., 1960.
2. Леонтьев А.А. Возникновение и развитие языка. – М., 1963; Язык, речь и речевая деятельность. – М., 1969.
3. Лuria A.P. Речь и интеллект в развитие ребёнка. – М., 1928; Язык и сознание. – М., 1998.
4. Мельникова А.А. Язык и национальный характер. – СПб., 2003.
5. Пешковский А.А. Русский синтаксис в научном освещении. – М., 1939.
6. Убаева Ф.С. Докторская диссертация. – Т., 1972. Научный архив, 2002.
7. Сайфуллаев А.Р. Докторская диссертация. – Т., 1974. Научный архив, 2003.3
8. Сайфуллаева Р.Р. Генезис - история и психология речи и теория происхождения языков. Диссертация на соискание учёной степени Гранд доктора психологии в области «Психология общения, речь и риторика»(МВУС-37.031). – Т., 1992; Санкт-Петербург, 2010.
9. Сайфуллаева Р.Р., Сайфуллаев Ш.Р. и др. Генезис речи и происхождение языков. В 3-х тт. – СПб., 2010–2011; Гений Авиценна и Титаны Европы. В 2-х тт. – СПб., 2011.
10. Сайфуллаев Ш.Р. Эволюция и природа интеллекта. В 2-х тт., СПб., 2005, Эволюция женщин и генезис женской логики. В 5-ти тт., 2010–2011.
11. Соколов А.Н. Внутренняя речь и мышление.– М., 1962.
12. Цветкова Л.С. Мозг и интеллект. – М., 1995.